

**Шералиев Нурбек Абдухалилович,**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси” бошлиғи

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СТАТИСТИК РЕГИСТРЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

*Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида статистик регистрларни юритиши борасидаги айрим муаммолар тадқиқ этилган ва уларни бартараф этиши хусусида тавсиялар берилган.*

*В данной статье изучены некоторые проблемы ведения статистического регистра в Республике Узбекистан и предложены рекомендации по их устранению.*

*This article examines some of the problems of maintaining a statistical register in the Republic of Uzbekistan and offers recommendations for their elimination.*

Статистика фаолиятида регистрларни юритиш мухим аҳамият касб этади. Айнан регистрлар хўжалик субъектларини рўйхатга олиш, танланма кузатувларни амалга оширишда тўпламни аниқлаш, муайян давр санасига оид статистик бирликлар жамланмаси маълумотларини тайёрлаб бериш, кузатиш жараёнида олинган жавоблар мониторингини юритиш ва респондентларга тушган иш юкини ўлчаш каби фаолиятни амалга оширади. Булардан ташқари, регистрлар базасига киритилган хўжалик субъектлари фаолиятига оид маълумотларга бевосита асосланган статистик кўрсаткичларни шаклантириш ва талаб қилинган статистика органларига тарқатиш учун етказиб бериш вазифаларини ҳам бажаради.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқаро статистика амалиётидаги статистик регистрлар ўзида хўжалик субъектларининг шаклланиши, қайта ташкил этилиши, корхона низомига ташкил этувчилар салмоқлари ўзгариши хусусида ўзгартиришлар киритиш, фирмани тугатиш каби маълумотларни тўплаган кўпмақсадли ахборот тизими ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёни ва мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви миллий статистикада солишишима маълумотлар ва кўрсаткичларни шаклантириш билан бир қаторда халқаро миқёсда мавжуд талабларга статистик регистрларнинг мос келишини таъминлаш каби мухим вазифаларнинг бажарилишини тақозо этади.

Айнан статистик регистрларнинг халқаро талабларга мос келишини таъминлаш бугунги кунда ҳар бир мамлакат статистика тизимидағи регистрнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Бундан ташқари, статистик

регистрларнинг халқаро миқёсда маълумотлар алмашинувини таъминлашдаги роли ҳам бекиёс.


Мамлакатимизнинг деярли барча соҳа ва тизимларида ислоҳотлар амалга оширилаётган, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида кескин ўзгаришлар кечеётган бир даврда регистрнинг иқтисодий статистик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш жараёнига интеграциялашуви ва тизим модернизациясида иштирокини таъминлаш масаласи бирламчи характердаги вазифалар қаторидан жой олади ҳамда статистика фаолиятида регистрнинг ролини марказий ўринга чиқаради.

1-расмда регистрларнинг статистика фаолиятидаги ролини кўрсатиб берувчи муҳим вазифаларнинг тизимлаштирилган кетма-кетлиги диаграмма шаклидаги ифодаланган.

Айтиш керакки, ҳар қандай мамлакатда статистика фаолиятини ташкил этиш регистрни шакллантириш билан бевосита боғлиқ. Шундай экан, статистика тўғрисидаги қонун билан бир қаторда, регистрга оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар статистика фаолиятини юритишга доир хуқуқий актлар асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фаолият юритувчи маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг мулк шакллари ва иқтисодий фаолият тури бўйича тартиблаштирилган тизимини вужудга келтириш ҳамда миллий статистиканинг бутунжаҳон статистика тизимига интеграциялашуви муносабати билан халқаро регистр тизимига мос миллий регистрни шакллантириш зарурияти мамлакатимизда статистик регистрга оид меъёрий - хуқуқий ҳужжат қабул қилинишига асос бўлди.

Мамлакатимизда статистик регистрга оид дастлабки меъёрий-хуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги 555 - сонли қарори билан тасдиқланган “Мулкчилик ва хўжалик юритишнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисида низом” ҳисобланади. Мазкур низомга асосланиб, корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) ташкил этилди.



### **1-расм. Регистрнинг статистика тизимидағи роли<sup>1</sup>**

Қайд этиш лозимки, 1995 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилди. Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базаси ташкилий-

<sup>1</sup>Муаллиф ишланмаси.

хукуқий шакли тижоратийналишидаги (хусусий корхона, оиласија корхона, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти) ва нотижорат бўлган (жамоат бирлашмаси, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, юридик шахсларнинг бирлашмалари (уюшмалари), муассасалар ва бошқа) корхона ва ташкилотларни ўз ичига қамраб олди.

Кейинчалик статистик регистрни юритиш тартибида ўзгартиришлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси электрон шаклда юритила бошлади.

Таъкидлаш жоизки, давлат статистика тизимида статистик регистрни юритиш тартиби йиллар давомида такомиллашиб борди. Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 30 майдаги Змб-сонли қарори билан “Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йилнинг 12 июнда 2594-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тасдиқланди.

Амалда юқоридаги йўриқнома талабларидан келиб чиқиб, юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни, юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System» асосида КТЯДР юритиб келинмоқда.


Шу ўринда айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида корхона ва ташкилотларни, юридик мақомга эга идораларни давлат рўйхатига киритиш, юридик шахслар шаклига қараб, муайян бир ташкилотларга юклатилган.

Мисол учун, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 57-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нодавлат-нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 66-сонли қарорига асосан тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлигига юклатилган.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йилнинг 8 октябрида 2014-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом”га асосан мамлакатимизда фаолият юритмоқчи бўлган тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинади.

2019 йилнинг 1 июнь санасигача Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони 383478 (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) мингтани ташкил этди. Кейинги йилларда рўйхатдан ўтган юридик шахслар сонида фаолият кўрсатаётган ва кўрсатмаётган корхона ва ташкилотлар салмоғининг(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) динамик ўзгариши 2-расмда келтирилди.



**2- расм. Рўйхатдан ўтган юридик шахслар сонида фаолият кўрсатаётган ва кўрсатмаётган корхона ва ташкилотларнинг салмоғи (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)<sup>2</sup>**

Айтиш жоизки, кейинги уч йилда рўйхатдан ўтган юридик шахслар сонида фаолият кўрсатаётган ва кўрсатмаётган идора ва ташкилотлар салмоғининг динамик ўзгаришидаги ижобий ҳолат охирги гурӯхга тааллукли корхоналар улушининг камайишидир. Шу билан бирга, динамик қаторда рўйхатдан ўтган юридик шахслар сонида фаолият кўрсатмаётган идора ва ташкилотлар салмоғи ўзгаришида пасайиш тенденциясининг кузатилиши позитив ҳолатдир.

2015–2019 йиллар (1 июнь санаси) давомида мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони ўртacha 110.3 фоизга ортди. 2015 йилнинг 1 июнида миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган корхона


<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

ва ташкилотлар сони 247.2 мингтани ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг худди шу даврида 366.2 мингтага етди (3-расм).



**3-расм. Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сонининг ўзгариши динамикаси, минг бирликда (*фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари*)<sup>3</sup>)**

Кейинги уч йилда кузатилган яна бир ижобий жиҳат бу фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сонида ўсиш тенденциясининг мавжудлигидир. 2019 йилнинг 1 июнь санасида фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 2017 йилнинг мазкур давридагига нисбатан 1.5 баробарга ортди (4-расм).



**4-расм. Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ўсиш динамикаси, бирликда<sup>4</sup>**

Бу мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ давлат бошқарувининг муҳим бўллаги бўлмиш инвестицион сиёсат натижасидир. Дарҳақиқат, 2019 йилнинг 1-чорагида мамлакатимиз


<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 10.5 трлн. сўмга тенг бўлган молиявий маблағларни ташкил этди.

Қайд этиш керакки, мамлакатда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг аксарияти кичик бизнес субъектлари. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмаларнинг (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимотида савдо, саноат ва қурилиш тармоқлари ҳиссалари салмоқли бўлиб, улар мос равишда 29.0, 21.3 ва 10.4 % ни ташкил этади. Шунингдек, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари (8.5%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (7.5%), ташиб ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар (4.8%) соҳалари улушлари ҳам нисбатан салмоқлидир (5-расм).

5-расмда кўриниб турганидек, мамлакатимизда таълим соҳасида, ахборот ва алоқа, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар тизимида фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сони хорижий давлатларда нисбатан паст. Бу бир томондан, мазкур соҳаларнинг ривожланмаганлигидан дарак берса, иккинчи томондан, бу соҳаларни янада тарақкий эттириш ва диверсификациялаштириш имкони (потенциали) борлигидан далолат беради.



**5-расм. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуси (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)<sup>5</sup>**

2018 йилнинг 1 июнь санасида ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмалар сони (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) 245064тага тенг бўлган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 304154тани ташкил этди (1-жадвал).

Кўриниб турибдики, мамлакатда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сонида кичик бизнес субъектларининг салмоғи 2018 йил

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

1 июнь санасида 80.8 % ни, жорий йилнинг шу даврида эса 83.1 % ни ташкил этди. Бу республика бўйича ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сонининг ўсиш суръатига нисбатан янги шакллантирилаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг ўсиш суръати юқорилигидан дарактир.

### 1-жадвал

#### Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони<sup>6</sup> (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)

Худудлар	01.06.2018йил ҳолатига		01.06.2019 йил ҳолатига	
	Жами (бирликда)	Жамига нисбатан % да	Жами (бирликда)	Жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	245064	100	304154	100
Қорақалпоғистон Республикаси	11147	4,5	13732	4,5
<i>Вилоятлар:</i>				
Андижон	21448	8,8	25426	8,4
Бухоро	13618	5,6	17844	5,9
Жиззах	10335	4,2	13063	4,3
Қашқадарё	15522	6,3	18730	6,1
Навоий	8155	3,3	11206	3,7
Наманган	16472	6,7	19807	6,5
Самарқанд	17388	7,1	23427	7,7
Сурхондарё	11459	4,7	13869	4,6
Сирдарё	7892	3,2	9444	3,1
Тошкент	23665	9,7	28460	9,3
Фарғона	21550	8,8	27252	9,0
Хоразм	11208	4,6	14097	4,6
Тошкент ш.	55205	22,5	67797	22,3

Таҳлил этилаётган даврда ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони бўйича ҳисобланган дескриптив статистика кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, деярли барча индикаторлар бўйича натижалар ўсган (2-жадвал).

2019 йилнинг 1 июнь санасида ўтган йилнинг мазкур давридагига нисбатан дисперсия кўрсаткичининг юқорилиги солиширилаётган даврда ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони бўйича дифференциялашувнинг ортганлигини билдиради.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**2-жадвал**

**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик корхонава  
микрофирмалар сонибўйича дескриптив статистика кўрсаткичлари<sup>7</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Белгиланиши (символ)	01.06.2018 йил ҳолатига	01.06.2019 йил ҳолатига	Фарқ (+; -)
1.	Корхона ва микрофирмаларнинг ўртача сони, та		17504,6	21725,3	+4220,71
2.	Ўртача кўрсаткич кенглиги, та				
	Минимум	min	7892	9444	+1552
	Максимум	max	55205	67797	+12592
3.	Ўртача четланиш		7407,1	9105,1	+1697,98
4.	Дисперсия	$\sigma^2$	132795597,5	197366856,2	+64571258,7
5.	Ўртача квадратик четланиш	$\sigma$	11523,70	14048,73	+2525,03

Юқорида келтирилган, статистик фаолият ва регистрларни ривожлантириш билан боғлиқ, ҳали ечимини кутаётган масалалар билан бир қаторда, назаримизда, бугунги қунда корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасидаги юридик шахсларни рўйхатга олиш борасида юзага келаётган қуйидаги муаммоларни санаб ўтиш мумкин:

- давлат ташкилотлари ва муассаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ягона тизим мавжуд эмаслиги;
- адвокатлик бюrolарига марказлашган ҳолда фирма номини бериш амалиёти жорий қилинмаганлиги;
- худудлардаги маҳсус комиссиялар томонидан кичик фермер хўжаликларини йирик фермер хўжаликларига қўшиш туфайли шаклланган ҳолат негизида уларни тугатиш ёки фаолиятини келгусида давом эттириш масаласига ойдинлик киритиш муаммоси ва бошқалар.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш юзасидан қуйидагиларни амалга оширишни таклиф этамиш:

- корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасида 2019 йил 1 июнь ҳолатига фаолият кўрсатмаётган фермер хўжаликлари сони 150949 тага teng бўлиб, уларни амалдаги меъёрий-хукуқий хужжатлар негизида тугатиш ва давлат рўйхатидан чиқариш лозим;
- адвокатлик бюrolарига фирма номларини марказлашган сайт манзили
- <https://fo.birdarcha.uz> орқали захирага олиш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ;
- “Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонунни белгиланган тартибда қабул қилиш ва уни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриш керак ва бошқалар.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июнданги “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5739-сонли фармони ўз вақтида қабул қилинган меъёрий-хуқуқий ҳужжат бўлиб, юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир қўрсатади ҳамда миллий статистик регистрлар тизимидағи маълумотлар базасининг янада аниқ ва мукаммал бўлишини таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-2646-сонли қарори.  
[/http://lex.uz/docs/3063485](http://lex.uz/docs/3063485).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сонли қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 66-сонли қарори.  
<http://lex.uz/docs/3111347>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июнданги “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5739-сонли фармони.  
<http://www.lex.uz/docs/4367644>.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сонли қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 57-сонли қарори.  
<http://lex.uz/docs/2356876>.

5. Давлат статистика қўмитасининг (2014 йил 30 майдаги Змб-сон қарори) “Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 12 июнда 2594-сон билан рўйхатдан ўтказилган).